

ТИКУВ БУЮМЛАРИГА ИШЛОВ БЕРИШНИНГ ИННОВАЦИОН УСУЛЛАРИ

Темирова Гулноз Ибодовна – доцент

Эсанова Маърифат

Бухоро муҳандислик – технология институти

Оммабоп эҳтиёжни қондирадиган замонавий кийимларни ишлаб чиқаришда кўп муаммолар мавжуд. Бу ҳолда эҳтимол муаммолар модани амалиётчилиги ва уни стабил томонларидан келиб чиқади. Мода қизиқарли, тез ўзгармайдиган, фундаментални тақдим этиши керак. Моданинг субъективизм ва объективизми нимадан иборатлигини, модадага ҳаёт суръати, илмий-техникавий инқилоб таъсирини тушуниш зарур. Мода ва саноат умумий қонунлар бўйича ривожланади: мода мураккаблашса, буюмнинг лойиҳалаш технологияси мураккаблашади. Инсон костюмда ўз индивидуаллигини ва ўз сиймосини акс эттиришга интилади. Шунинг учун либослар оммабоп ишлаб чиқарилганда стандарт буюмни уйғун сиймолигини ва истеъмолчини индивидуалликка интилишини қондириш талаблари бир қатор қийинчиликларни пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Маълумки аёллар кийимлари хилма-хил бўлиб, улар кўриниши ва технологияси жиҳатдан бир-бири билан фарқ қилади. Бу кийимлар андазасининг шакллари, рангларининг жилоси, матоларнинг гули ва фактуралари, шунингдек, астар матоларининг ранг баранглиги инсонни ҳайратга солиб келмоқда. XIX аср бошларида Европада илк бор замонавийликни эслатувчи аёллар иссиқ кийимлари пайдо бўлди [1,2].

Мамлакатимиз иқтисодиётида туб ўзгаришлар амалга оширилиши, республика иқтисодиёти асосан хом-ашё йўналишидан рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш йўлига изчил ўтаётганлиги, мамлакат экспорт салоҳияти кенгаяётганлиги ишлаб чиқаришнинг ҳар бир соҳаси олдига янги вазифаларни қўйди. Халқимизни юқори сифатли, чиройли кийимлар билан таъминлаш бу соҳа ходимларидан катта билим ва маҳорат талаб қилади.

Илм-фаннинг ривожланиши мўйна саноатининг ривожланишида катта рол ўйнайди. Халқнинг моддий ва маънавий ўсиши унинг юқори сифатли тайёр маҳсулотларга бўлган талабининг ўсишига олиб келади. Бу эса мўйна саноатининг ривожланиш йўналишларини кўрсатади. Янги материалларни, асбоб-ускуналарни, узлуксиз технологик жараёнларни яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш, хом-ашё ва материаллардан унумли фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш, пардозлаш жараёнини такомиллаштириш, прогрессив технологияларни қўллаш билан ишлаб чиқариш

самарадорлигини ошириш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бирига айланган [3].

Қорақўлчилик мамлакатимиз халқ хўжалигининг муҳим тармоғи бўлиб, Республикамиз иқтисодиётида у катта ўрин эгаллайди. Ихтисослаштирилган йирик фермерлик хўжаликлари ташкил этилганлиги туфайли қорақўл қўйлар туёғи тўхтовсиз ўсиб бормоқда. Қорақўл қўйлар териси ўлчами катта (1100 - 1600 см²) вазни енгил (250 – 370 г), мездраси юмшоқ ва пишиқлиги (0,6 - 0,8 мм), терисининг гули чиройли, мўйи ниҳоятда юмшоқ ва ипаксимон, ранг ва тусларга бойлиги, ҳар хил рангдорлиги билан ажралиб туради [4].

Бичиш вақтида ҳосил бўлган мўйна қийқимлари ўзига тегишли бўлган гуруҳларга яна алоҳида ғарамланади. Ғарамлаш давомида мўйна қийқимларини тузилиши, ташқи кўринишини эътиборга олинмаса ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати бузилиб, унинг харидорлиги пасаяди. Қийқимларни хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда улар ғарамланади, бириктирилади, бичилади ва кийим тайёрланади.

Спенсер – бу, жун, пахта толали мато, атлас, бахмалдан тайёрланган жакет типигаги устки кийим тури ҳисобланади. 1820 йилда устки кийимнинг яна бир тури пайдо бўлган - пардессу (енгли) деб номланган. Қиш мавсумида шаҳарлик аёллар эркакларнинг редингтон ёки дульета типигаги шубалари, шунингдек, олд қисми бир-бирига ўтиб турадиган тасмали калта шубалар – рус шубаларини кийишган. Шубаларни сукно, ипак, бахмал билан қоплашган.

XX аср бошларида Англиядан кириб келган французча мода оқими таъсирида практицизм йўналиши орасида кураш олиб борилиб, ушбу жараён аёллар кийимини салмоқли даражада ўзгаришига олиб келди ва биринчи жаҳон уруши йилларида конструктив шаклларнинг соддалаштирилишига сабаб бўлди. Замонавий аёллар устки кийими қўйидагиларни ўз ичига олади: пальто, шубалар, калтапальто, курткалар, плашлар, капалар, пелериналар, костюм ва жакетлар.

Устки кийимлар асосан – инсон танасини иссиқ ва совуқдан, шамол, чанг тўзон, об-ҳавонинг турли таъсирларидан ҳимоя қилиши учун мўлжалланган. Шунинг учун устки кийим кўп қаватли қилиб тайёрланади, жумладан, турли хилдаги иситувчи, шамолдан ҳимоя қилувчи, юпқа зич тўқилган ва каркассимон астар ва авралардан, шунингдек, иқлим шароити ва йил фаслларино инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилади.

Пальто – бу чуқур запахли ёки олд томондан этакка қадар тугмачали, узун енгил кийим туридир. Бу кийим тури йил фаслларига қараб тайинланиб, қишки ва мавсумий-яъни баҳор ва кузги турларга бўлинади.

Шубалар ҳам қишки пальтолар каби қишки мавсумга мўлжалланган кийим туридир. Шубаларда устки мато ёки астар сифатида табиий ва сунъий мўйналар хизмат қилади.

Мўйнали маҳсулотлар тайёрланиш технологияси ва мураккаб шаклига кўра, заргарлик маҳсулотлар билан солиштирганда мавқеи ва нархи бўйича қимматбаҳо маҳсулотлар сирасига кириб, шу ўринда андазаси, мўйнанинг етарли даражада бўялганлиги, шунингдек, мўйнани турли матолар билан яъни: трикотаж, мато, чармларнинг уйғунлиги асосида улар мураккаб деб характерланади. Мўйнали матоларни конструкциялашда қуйидаги хусусиятлар ҳисобга олинади, яъни чармли матоларнинг қалинлиги ва юмшоқлиги, терининг ўлчови, оғирлиги, тукли қопламанинг баландлиги кабилар.

Қорақўл мўйналаридан тайёрланган кийимлар айти пайтда жуда харидоргир бўлиб бормоқда сабаби сунъий мўйнадан тайёрланган кийимлар одам организмида турли хилдаги аллергия касалликларни келтириб чиқармоқда. Қорақўл мўйналарининг жун тузилиши ва физик-механик хусусиятлари турлича бўлиб, улардан кенг ассортиментдаги кийимларни тайёрлашга имкон беради. Узун жунли қорақўл мўйналаридан аксарият ҳолатларда ҳажмдор кийимлар яратилади. Ҳажмдор шакллар ўз навбатида кийимларни ташқи кўринишини ҳажмли қилиб, одам гавдасини ҳам ҳажмли қилиб кўрсатади [1].

Дизайнерлар мўйнани ишлатиш усулларида унумли фойдаланиб, мўйнали кийимларнинг кўпгина янги моделларини таклиф этмоқдалар. Қорақўл мўйнасидан тайёрланган кийимлар подюмларда ўзининг ўрни билан ажралиб туради. Ҳозирги пайтда қорақўл мўйнасидан тайёрланган кийимларни деярли барча мавсумларда кийиш мумкин. Янги модели пальтоларда мўйна билан бир қаторда тўқимачилик маҳсулотлари ҳамда чармдан кенг фойдаланилмоқда. Бундай кийимлар барча аёлларга тўғри келиши билан бирга, у кундалик кийиладиган кийимга айланиб улгурган [2,3].

Қорақўл териларидан буюмлар тайёрлаш учун ишлов берилган терилар навларга ажратилиб олинади. Навларга ажратиш жараёнида терилар жун қопламанинг асосий сифат кўрсаткичларига асосланилади. Масалан: ранги, гули, товланиши, баландлиги, қуюқлиги, майинлиги, қайишқоқлиги, эластиклиги, нақши, кўриниши, момиқлиги, дағаллиги, босилувчанлиги в.х. Навлаш жараёнида унинг геометрик хусусиятлари: қалинлиги, узунлиги ҳамда эни инobatга олинади [4-5]. Йиғилган тўдалардаги мўйна қийқимлари маълум шакл ва ўлчамга келтирилиб, бириктирилади. Бунда майда тери бўлаклари бир-бирига гулларига қараб, махсус тикув машиналаридан бичишга мос қилган ҳолда катталаштирилиб (пластина ҳолатида) тикилиб олинади. Тикилган катта полотнолар ҳўлланиб махсус тайёрланган тахтакачларга тортилиб қурилади. Қуриши жараёнининг аҳамияти шундаки, бунда мўйна териларни ҳажми янада

катталашиб, уларни бирлаштирилган чоклар текис бўлиб қолади. Ўнг томондан қараганда гўёки чоксиз яхлит полотнога ўхшайди. Тахтакачдан ечиб олинган полотно устига кийим андазасини жойлаштириб атрофи бўрланади ва бўрланган юзаларни махсус пичоқлар ёрдамида кесиб олинади. Кесиш жараёнида бир нечта қийқимлар ҳосил бўлади.

Бу қийқимлардан фойдаланмаслик биринчидан қийқимларни ташлаб юбориш натижасида атроф-муҳитни ифлосланишига олиб келса, иккинчидан эса табиий мўйнанинг қимматбаҳолигини инобатга олмаслик. Улардан унумли фойдаланиш учун бир қатор жараёнлар амалга ошириш орқали эришилиб, янгидан буюмлар тайёрланилади. Табиий мўйна маҳсулоти таннархини 90 фоизини уларни тикишга сарф бўлган материал қиймати ташкил қилади. Шунинг учун маҳсулот таннархини камайтиришни, ишлаб-чиқариш рентабеллигини оширишнинг энг самарали йўли-маҳсулот сифатини ёмонлаштирмай туриб чиқиндиларни камайтириш, резервларни топиш ва материалларни тежашдир [5-7].

Аҳоли учун маҳсулот ишлаб чиқариш илмий-техника тараққиётидан фойдаланишга асосланган бўлиб, улар нафақат маҳсулот сифатларини янги даражага кўтариш, балки улар ассортиментини кенгайтиришга ҳам имкон беради [8-9].

Мўйна саноати олдида турган муаммоларнинг ечилиши ишлаб чиқаришнинг унумдорлигини оширади ва шу билан бир қаторда атроф муҳитга етказиладиган салбий таъсир муаммолари ўз ечимини топади [10-12].

Бундан ташқари табиий мўйнадан ишлаб чиқариладиган кийим кечакларни бадий безашни лойиҳалашни тўғри ташкил этиш муҳим рол ўйнайди. Тўғри лойиҳалаштирилган технология маҳсулотларнинг келгуси ҳаётини аниқлайди. Чунки кийим инсоннинг ижтимоий ҳаётида энг зарурий эҳтиёжи ҳисобланади. Кийимни моделлаштириш ва бадий безаш тикувчилик саноатининг энг муҳим ва шу билан бирга мураккаб босқичи ҳисобланаб, мукамал кийимгина гўзал, ижтимоий йўналтирилган буюмлар тайёрлашга имкон беради. Буюмларни ишлаб чиқишдан асосий мақсади – аҳолини моддий ва маънавий талабларини қондириш ва мукамалликка эришишдир. Чиқиндисиз технология асосида яратилган маҳсулотлар ўзининг гигиеник хусусиятлари билан сунъий маҳсулотлардан фарқ қилиб, инсонларнинг бундай маҳсулотга бўлган талабини тўла қондира олади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Темирова, Г. И. (2020). ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ СПОСОБОВ НАНЕСЕНИЯ И УКРЕПЛЕНИЯ ДЕКОРАТИВНЫХ ЭЛЕМЕНТОВ ИЗ НАТУРАЛЬНОГО МЕХА. *International Journal of Advanced Technology and Natural Sciences*, 1(2), 52-58.

2. TEMIROVA, G. (2019). THE IMPORTANCE OF PREPARING A NATURAL FUR COAT. *EURASIAN JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY*, 1(2).

3. GI, T. (2021). Mathematical Modeling of the Stress-Deformed State of a Fur Package With a Constant Cross Section Under the Action of a Heat Field and External Forces. *Eurasian Journal of Academic Research*, 1(04).

4. Ташпулатов, С. Ш., Темирова, Г. И., Черунова, И. В., Расулмухамедова, Б. А., & Азимова, М. Н. (2021). РАЗРАБОТКА СПОСОБА ИЗГОТОВЛЕНИЯ МЕХОВЫХ ИЗДЕЛИЙ НА ОСНОВЕ РЕСУРСОСБЕРЕЖЕНИЯ. *Universum: технические науки*, (11-3 (92)), 55-59.

5. Kodirova, D. X., Mamatova, D., & Temirova, G. I. (2019). Specifications for working on detailsof heat exchanged natural fur. *Вестник магистратуры*, (4-3 (91)), 35-36.

6. Темирова, Г. И. (2020). ПОВЫШЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ КОЛЛАГЕНСОДЕРЖАЩИХ МАТЕРИАЛОВ ПРИ ПРОИЗВОДСТВЕ КАЧЕСТВЕННЫХ И РЕСУРСОСБЕРЕГАЮЩИХ МЕХОВЫХ ИЗДЕЛИЙ. In *Всероссийская конференция молодых исследователей с международным участием «Социально-гуманитарные проблемы образования и профессиональной самореализации»(Социальный инженер-2020)* (pp. 152-158).

7. Сайитова, У. С., & Темирова, Г. И. (2017). Конструктивные приемы трикотажной формы и элементы формообразования одежды. *Вопросы науки и образования*, (2 (3)), 37-39.

8. Temirova, G. I., Tashpulatov, S. S., & Cherunova, I. V. (2018). PRODUCTION TECHNOLOGY FROM NATURAL POWER ON THE FULL-TERMOLOGICAL TECHNOLOGY. In *The latest research in modern science: experience, traditions and innovations* (pp. 44-48).

9. Temirova, G. I., & Tashpulatov, S. S. (2018). AN ANALYSIS OF ART DECORATION USED IN SEWING ITEMS. In *The latest research in modern science: experience, traditions and innovations* (pp. 41-44).

10. Темирова, Г. И., et al. "Перспективные направления использования коллагенсодержащих материалов при изготовлении изделий различного ассортимента." *Научно-технический журнал Наманганского инженерно-технологического института* 1 (2020): 63-67.

11. Темирова Г.И., Субхонова И.И., Кудратов Ш. 2022. СПОСОБЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ МАТЕРИАЛОВ НА ОСНОВЕ КОЛЛАГЕНА В ПРОИЗВОДСТВЕ МЕХОВЫХ ИЗДЕЛИЙ. *Международный междисциплинарный исследовательский журнал Galaxy* . 10, 1 (январь 2022 г.), 426–430.

12. Ибодовна, Темирова Г. «Ресурсосбережные способы соединения натурального меха с основной деталью». *Журнал NX* , том. 6, нет. 05, 2020, стр. 45-47.